

# ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожақеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети


**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Абдор Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

|                                                                                                                                                              |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>1. Валишер Элмуродович Абиров</b><br>ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ<br>ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....                                             | 5  |
| <b>2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев</b><br>ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....                                                                | 13 |
| <b>3. Феруза Парходовна Атамуратова</b><br>ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....                                                                | 21 |
| <b>4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева</b><br>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ<br>МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....               | 28 |
| <b>5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова</b><br>ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ<br>ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ.... | 35 |
| <b>6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова</b><br>ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ<br>ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....                                          | 40 |
| <b>7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи</b><br>МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....                                                                                      | 46 |
| <b>8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov</b><br>MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI<br>(davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....   | 53 |
| <b>9. Феруза Хаятовна Бобожонова</b><br>БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ<br>(XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....                                 | 58 |
| <b>10. Omon Olimjonovich Gadayev</b><br>MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....                                                  | 65 |
| <b>11. Дилорам Зияева</b><br>МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ.<br>ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА<br>ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....                | 71 |
| <b>12. Farxod Sobirovich Ziyayev</b><br>TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI<br>QUROLI HARAКAT.....                                                    | 77 |
| <b>13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov</b><br>SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY<br>NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....                          | 84 |

|                                                                                                                                                                                                               |     |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>14. Baxtiyor Safarovich Nazirov</b><br>JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI<br>QARASHLARI.....                                                                                         | 109 |
| <b>15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов</b><br>ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ<br>ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....                                                                                | 114 |
| <b>16. Дилорам Сангирова</b><br>ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....                                                                                                                            | 120 |
| <b>17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova</b><br>ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR<br>USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....                                               | 130 |
| <b>18. Фазилат Нормуродовна Тургунова</b><br>СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ<br>РИВОЖЛАНИШИ.....                                                                                           | 142 |
| <b>19. Баходир Босимович Тўйчибоев</b><br>ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI<br>ХУСУСИДА.....                                                                                               | 147 |
| <b>20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154                                                                                                    | 154 |
| <b>21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov</b><br>NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK<br>TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN<br>O‘RGANILISHI.....                     | 159 |
| <b>22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev</b><br>XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-<br>ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARНИ ЎРГАНИЛИШИ<br>ТАРИХШУНОСЛИГИ.....                              | 170 |
| <b>23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov</b><br>TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI<br>MANBALARIDAN FOYDALANISH.....                                                               | 177 |
| <b>24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov</b><br>TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING<br>TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR<br>(Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida)..... | 182 |
| <b>25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова</b><br>ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА<br>СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....                                                           | 187 |
| <b>26. Алишер Яркулов</b><br>АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ<br>ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....                                                                                                | 195 |
| <b>27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna</b><br>HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY<br>YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....                                                                | 202 |



**Феруза Хаятовна Бобожонова,**  
Бухоро давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди  
bobojonova.feruza.71@mail.ru

### **БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ)**

**For citation:** Feruza K. Bobozhonova, HISTORY OF THE SCHOOL EDUCATION SYSTEM IN BUKHARA. (END OF THE XIX CENTURY-80-ES OF THE XX CENTURY). Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.58-64

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072205>

#### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Бухорода мактаб таълим тизими тарихи (XIX аср охири-XX асрнинг 30-йиллари) масалалари ёритилади. Бухоро амирлигида анъанавий мактаблар, татар мактаблари, янги усул мактаблари, рус-тузем мактаблари ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикаси ва совет даврида мактаб масалалари атрофлича ёритилган. Бу даврдаги мактаблар бинолари, таъминоти, дарс ва дарсликлар, ўқитувчилар уларга берилган маош ва нафақалар, ўқитувчилар ва ўқувчиларларнинг моддий аҳволи ва таъминоти масалалари баён этилган. Синф хоналари, дарсхоналар, ўқитиладиган дарслар, фанлар ва илмлар, имтиҳон олиш жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар баён этилган. Мақолада маърифатпарвар жадидларнинг мактаб масалаларига оид фикрлари келтирилган. Амир Олимхоннинг Таълим тўғрисидаги фармонни таҳлил қилиб берилган. Янги усул мактабларини очган маърифатпарварлар тўғрисида маълумот берилган. Мактаб таълимида ислохотчилик масалалари ҳар томонлама ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** мактаб, анъанавий мактаб, татар мактаби, рус-тузем мактаби, совет мактаблари, ўқувчи, ўқитувчи, синф, фан, дарсликлар, Амир Олимхон, Фитрат, ислохотчилик, фармон, БХСР, маориф, савод, илм.

**Феруза Хаятовна Бобожонова,**

Доцент Бухарского государственного университета,  
кандидат исторических наук  
bobojonova.feruza.71@mail.ru

### **ИСТОРИЯ СИСТЕМЫ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В БУХАРЕ. (КОНЕЦ XIX ВЕКА-80-Е ГГ. XX ВЕКА)**

#### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье освещены вопросы истории системы школьного образования в Бухаре (конец XIX века - 80-е годы XX века). В Бухарском эмирате подробно освещаются традиционные школы, татарские школы, русско-туземные школы, школы русского строя, а

также Бухарская Народная Советская Республика и школьные вопросы в советский период. В этот период описываются вопросы школьных зданий, принадлежностей, уроков и учебников, заработной платы и пособий учителей, финансового положения и поддержки учителей и учащихся. Предоставляется информация о классах, преподаваемых предметах и науках, а также процедурах экзаменов. В статье представлены взгляды просвещенных современников на школьную проблематику. Анализируется Указ Амира Олимхана об образовании. Дается информация о просветленных, открывших школы нового метода. Всесторонне освещаются вопросы реформирования школьного образования.

**Ключевые слова:** школа, традиционная школа, татарская школа, русско-туземные школы, советские школы, ученик, учитель, класс, наука, учебники, Амир Олимхан, Фитрат, реформация, указ, БХСР, образование, грамотность, наука.

**Feruza K. Bobozhonova,**

Associate Professor of Bukhara State University,  
Candidate of Historical Sciences  
bobojonova.feruza.71@mail.ru

## HISTORY OF THE SCHOOL EDUCATION SYSTEM IN BUKHARA. (END OF THE XIX CENTURY-80-ES OF THE XX CENTURY)

### ABSTRACT

This article highlights the issues of the history of the school education system in Bukhara (the end of the 19th century - the 80s of the 20th century). In the Emirate of Bukhara, traditional schools, Tatar schools, Russian-native schools, schools of the Russian system, as well as the Bukhara People's Soviet Republic and school issues in the Soviet period are covered in detail. During this period, issues of school buildings, supplies, lessons and textbooks, salaries and allowances of teachers, financial situation and support for teachers and students are described. Information is provided on classes, subjects and sciences taught, and examination procedures. The article presents the views of enlightened contemporaries on school issues. The Decree of Amir Olimkhan on education is analyzed. Information is given about the enlightened ones who opened the schools of the new method. The issues of reforming school education are comprehensively covered.

**Index Terms:** school, traditional school, Tatar school, Russian-native schools, Soviet schools, student, teacher, class, science, textbooks, Amir Olimkhan, Fitrat, reformation, decree, BHSR, education, literacy, science.

### 1. Долзарблиги:

Бухоро амирлигидаги бошланғич анъанавий мактаб мусулмон болалари учун умумий маълумот берадиган хат-савод чиқариш масканлари бўлиб, араб имлосида савод олиш, ёзиш ва ўқиш кўникмаларини шакллантириш, ҳисоблаш қоида ва кўникмаларини ҳосил қилиш, табиат ва жамият, атроф-муҳит, ислом дини ҳақида билим ва тушунчалар бериш, ахлоқ-одоб меъёрларига амал қилишни ўргатишдан иборат эди. Мактаблар кўпинча бир синф хонасидан иборат бўлганлиги учун ҳам уларни мактабхона деб аташган.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мавзуни ёритишда тарих фанининг тарихийлик ҳолислик, муаммоли хронологик, кетма-кетлик, қиёсийлик, таққослаш, оддийдан мураккабга томон изчиллик сенгретика методларидан умумий фойдаланилди ҳамда унда Бухоро амирлигидаги мир Араб мадрасасининг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалалари илмий ёритилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Бухоро амирлигида 1910 йилда 350 га яқин анъанавий (бошланғич) мактаблар фаолият кўрсатган. Бошланғич мактабларда ўқувчиларнинг сони 10 нафардан 50-60 нафаргача бўлган. Ўғил болалар мактабхонасида ўртача 30-40 нафар бола ўқиган бўлса, овул мактабларида

ўқувчилар сони 10 нафардан ошмаган. Қизлар ўқийдиган мактабхоналардаги ўқувчилар сони ўғил болаларга нисбатан 25-30 фоизни ташкил этган.[1]

Мактаблар идора қилиниши ва таъминоти жиҳатидан умумий ва хусусийга бўлинган. Уларнинг асосий фарқи – мактаб биносининг ким томонидан қурилиши ва таъминланишида эди. Хусусий мактаблар алоҳида шахслар, яъни мансабдор, давлатманд кишилар томонидан қурилган бўлса, умумий мактаблар жамоатчилик томонидан қурилган. Мактаблар давлат томонидан маблағлаштирилмаган, саховатли кишилар томонидан қилинган хайр-эҳсонлар, ижтимоий жамғармалар, шунингдек, ўқувчиларнинг ўз ота-оналари ҳисобидан таъминланган.

Мактабхонада ўқишга қабул қилиш ёши Бухорода 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврни ташкил этган. Садриддин Айний ўзи яшаган уч юз хонадонлик қишлоғида тўрт яшардан ўн икки яшаргача бўлган болалар мактабнинг шогирдлари ҳисобланганлиги ҳақида маълумот беради.[2;140]

Анъанавий бошланғич мактабларда ўқувчи беш йилдан кам ўқимаган. Ёз ойлари ва рамазон ойида ўқувчилар таътилга чиқишган. Мактабхоналардаги дарслар эрталаб қуёш чиқишидан то аср номозиғача (соат 17.00) давом этиб, жума ва байрам кунлари ўқувчилар дарсдан озод қилинган.[1] Ўқитувчи (домла) йил бўйи сабр-тоқат билан мактабхонани очиб, ўқувчиларини кутиб ўтирган. Аксарият мактабларда жисмоний, эстетик тарбия масалаларига деярли эътибор берилмаган, болалар берилган вазифани бошини тебратиб ўқиш ёки такрорлаш билан банд бўлган. Бола руҳиятини яхши билувчи домлалар ҳар бир ярим-икки соатда танаффус эълон қилиб турган.[12;73]

Мактабда ўқувчи дастлаб иймон масаласига доир “Калимаи шаҳодат” ва “тойиба”ни ёд олгач, араб алифбосини ўрганишга киришган. Ҳарфларни ўқитувчи алоҳида ёғоч ёки қаттиқ лавҳаларга ёзиб қўйган. Ҳарфлар аввал ёд олинган, кейин эса бўғинлаб ўқишга ўтилган. Бўғинлаб ўқишга ўтишдан сўнг ўқувчи “Ҳафтияк”ни ўрганишга ўтган.

Мактабдорлар болалардан “бўйра пули”, “кўмир пули”, “супурги пули” каби турли хил ўзига хос “тўловлар” ҳам олиб турган. Ўқувчилар томонидан ҳар пайшанба кuni келтириладиган “пайшанбалик нони”.[1] мактабдор домланинг асосий ҳақи ҳисобланган. “Пайшанбалик”дан бошқа, Қуръон сураларидан “қуля”га ўтганда куймоқ, “амма”га ўтганда бўғирсоқ, “ёсин” га ўтганда юпка келтириш ҳам расм бўлган.

Янги усул мактаблари – мусулмон мактабларининг дастурларини ва таълим усулини ислоҳ қилиб, болаларга ўз она тилида хат-савод ўргатишга қаратилган ўқув муассасалари бўлиб ҳисобланган. Бухорода янги усул мактабларининг ташкил этилиши 1900-1903 йилларга тўғри келади. Айнан шу йилларда татар ўқитувчилари томонидан илк янги усул мактаблари очилади.

1900 йилида Бухорода Пирмаст туманидаги Пўстиндўзон қишлоғидан бўлган Мулла Жўрабой томонидан амир Абдулаҳадхон руҳсати билан янги усул мактаблари очилади, аммо орадан уч ой ўтгач, унинг фаолияти тўхтатилиб, муаллимлари қувғинга учрайди. 1903 йилга келиб Бухорода 6 та янги усул мактаби ташкил этилган эди. [9;12]

Бухородаги Н.Собитовнинг татар мактабини нафақат татар болалари, балки бухороликларнинг болалари учун ҳам расмийлаштирмоқчи бўладилар.

1908 йилнинг октябр ойида Бухоронинг Дарвозаи Саллоҳхона гузарида Мирзо Абдулвоҳиднинг уйида ўқиш маҳаллий тилда олиб бориладиган янги усул мактаби расман очилади ва унга Мирзо Абдулвоҳид муаллим этиб тайинланади. [5;365]

Мактаб ишини тўғри йўлга қўйиш, ўқитишни самарали ташкил этиш, усул ва қоидаларни яхши ўзлаштириб олиш учун Бухорода фаолият кўрсатаётган татар мактаблари низомидан фойдаланилади. “Биз мактабчилар шу кунгача Бухородаги татар мактабидан хабарсиз эдик. Орадан фурсат ўтказмай, тўғри мазкур мактабга бордим. Мактаб муаллими мени ниҳоят мамнуният билан қабул қилиб, ҳар тўғрида ёрдам беришни ваъда қилди. Дарсларни кўрсатди. Таълим қоидаларидан бир оз маълумот берди. Ибтидоий мактаб дарс китобларидан намуна бўларлик бир донадан ва таълим-тарбияга доир бир китоб берди”, - деб ёзади С.Айний. [1;138]

Бухорода ташкил этилган янги усул мактабларида ўқитиш жараёнини самарали бўлишини таъминлаш учун жадид муаллимлари дарслик, қўлланма ва адабиётларга эҳтиёж кучайиб борди. “Шунинг учун, – деб қайд этади С.Айний ўз хотираларида китоб ҳозирламоқ орзуси билан ўз орамизда бир ширкат тузиб, биринчи навбатда тажвид қоидаларини “Тартиул-Қуръон” исмида нашр қилишга қарор берилди. Буни татар муаллими воситаси билан Оренбург матбаасига топширдик”, – деб ёзади С.Айний. [1;142] Мактабларда ўқитишнинг янги усулини ўзлаштирган муаллимлар тайёрлаш учун бир қатор бухоролик муаллимлар Қрим ва Туркияга юборилади. Хусусан, Усмон Хўжа ва Ҳомид Хўжа Бокчасарой ҳамда Истанбулга юборилади.

1908 йилда Бухоронинг Саллоҳхона маҳалласида татар мактаби муаллимлари ўқувчиларни имтиҳон қилиб, улар қўллаган усул қандай самара берганини намоёиш этадилар. 1911-1912 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида янги усул мактабларининг сони 57 тага етади.

1912 йилнинг 9 октябрида Чоржўйда Отаҳўжа (Отаулла Хўжаев)нинг янги усул мусулмон мактаби очилади. Бу мактабга Чоржўй ҳокими томонидан хайрия қилинганлигини 1912 йил 28 июндаги 1243 рақам остидаги қўшбеги фармонидан кўришимиз мумкин. 1912 йилнинг бошларида Ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан бўлган Усмон Хўжа жадид мактабларидан бирини қайта ташкил этади.[13;8]

1914 йилга келиб Бухородаги барча янги усул мактаблари қаттиқ қаршиликка учрайди. 1914 йилнинг 5 июлида амир Саид Олимхоннинг фармони билан Бухородаги барча жадид мактаблари ёпилади.

Бухоро амирлиги таълим тизимида рус-тузем мактаблари ҳам мавжуд эди. Рус-тузем мактаблари (рус.туземец-маҳаллий аҳоли) маҳаллий аҳоли болалари учун очилган бошланғич рус мактаблари. Бу типдаги мактаблар очишдан мақсад маҳаллий миллат вакилларида руспараст амалдорлар, мулозимлар тайёрлаш эди. Биринчи рус-тузем мактаби Эски Бухорода 1894-йилда очилиб, унинг 31 та ўқувчиси бўлган. Уларнинг 13 таси мусулмон, 17 таси яҳудий бўлган. 1912 йилда Чоржўйда ҳам шундай мактаб очилиб, ушбу мактабда рус тили, дунёвий фанлар ўргатилган. Бу мактаблар уч босқичли бўлиб, 1913-1914-ўқув йилида Эски Бухоро рус-тузем мактабида 53 нафар ўқувчи таҳсил олган.[3;25]

Бухорода БХСР тузилгандан кейин маорифни, мактаб ва мадрасани тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия тизимини ўзгартириш, миллатни маънан уйғотиш учун дастлабки кунларданок замонавий маориф тизимини вужудга келтириш чоралари кўрилди. БХСР Маориф нозирлиги мутасаддилари маориф масаласига: «Маориф керак, чунки ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир миллат ва ҳеч бир инқилоб маорифсиз яшамас, ўқимок учун мактаб керак, маориф керак, китоб керак, булар ҳақиқат»,–деб қарадилар. [14;23]

БХСР ҳукумати аввалоҳалқни саводли қилиш орқали жаҳолат ва қоқоқлик ботқоғидан халос қилиш мумкинлиги билан боғлиқ фикрга таянган ҳолда янги вазиятда Мактаблар ҳақида умумий қоидалар (Қоидалар)ни ишлаб чиқишини Маориф шўъбаси зиммасига юклади.[18;23] Мазкур «Қоидалар»Бухорода амирлик тартиби тугатилганидан уч ойдан сўнг, яъни 1920 йилнинг ноябрь ойида ишлаб чиқилган. Бухорода янги шароитда мактаб таълимини жорий этишга қаратилган Мактаблар ҳақида умумий қоидалар (Қоидалар) деб номланган тарихий ҳужжат «Умумий қоидалар», «Таълим-тарбия ишларига оид», «Мактаб идораси ҳайъати вазифаси», «Мактаб шўросининг вазифаси», «Мактаб ходимлари учун категориялар» каби бешта бўлимдан иборат эди. БХСРда таълим тизимини замонавийлаштириш асос ва қоидалари ушбу ҳужжат билан тартибга солиниши кўзда тутилган.

Мактаблар ҳақида умумий қоидалар, амирлик замонида мавжуд бўлган анъанавий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш дунёвий таълимни жорийлантириш ва аҳолини ёппасига саводхон қилиш лойиҳаси илгари сурилди. Мактаб ишлариҳақидаги режада: 8-16 ёшли болалар учун бошланғич мактаблар очиш, саводсизликни тугатиш курслари ҳамда муаллим ва мураббийлар тайёрлайдиган махсус ўқув юртларини ташкил этиш кўзда тутилганди. Қоидалар бошланғич мактабларда ўқув муддати 7-8 йил давом этиши қайд қилинган. Бироқ, ушбу бошланғич таълим муддати устида мунозаралар кучайиб кетди. Айниқса, «Бухоро ахбори» газетасининг бир қатор сонларида ушбу муддатни 4-5 йилга тушириш билан боғлиқ таклифлар билдирилган. бошланғич ўқиш муддатини 5 йиллик ўлароқ

қабул қилган эди,- деб фикр билдирганди. «Қоидалар»да анъанавий, масжидлар қошидаги бошланғич мактабларни ислоҳ қилиш, Усули савтия (товуш усули)га асосланган синфдарс тузимига ўтиш янги мактаблар ишида мадрасада таълим берган илғор фикрли ва саводли муаллимлардан вақтинча фойдаланиб туриш, махсус қизлар мактабларини ташкил этиш, болалар боғча ва яслилари очиш, таълимнинг мажбурийлигини таъминлаш, ўқувчиларни ҳукумат ҳисобидан бепул ўқитиш ва овқатлантириш масалалари қайд этилган. [7;213]

Мактаблар ҳақида умумий қоидалар (Қоидалар)нинг 1-бўлимнинг 11-бандида: Мактабларнинг ҳар қайсида тарбия олмоқ билан бирга, болалар учун мумкин бўлган равишда ош, чой, кийим ҳам берилур, –деб ёзилган эди. Мактабларда таълим ва тарбияни уйғун равишда олиб бориш, ўқувчиларни ёш хусусиятларига қараб гуруҳларга ажратиш, дунёвий фанлар дастурини ишлаб чиқиш кабилар назарда тутилган. [3;84]

Таълим-тарбияда болаларни сўқмоқ, урмоқ, жазо бермоқ битирилиб, ўғит-насихат, танбех, ўртак кўрсатиш усуллари қўллаш қоидалари қатъий қилиб ёзиб қўйилган, шунингдек, таълим ахлоқий, мафкуравий шаклларда бўлиши, ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 30-35 тадан ошмаслиги, болаларни ёш хусусиятларига қараб синфларга ажратиш кабилар ҳам кўрсатилган. [17;23]

Ушбу қатъий қоидалар Бухоро жадидларининг 1908 йил октябрда Саллоҳхўжа гузарида очган биринчи жадид мактабида ҳам амал қилган эди. [7;23] Мактабда таълим оладиган муаллим ва ўқувчилар ахлоқан пок бўлиш, вино ичмаслик, ўз сўзида қатъий туриш, маорифга садоқат кўрсатиш, ўз шахсийманфаатларидан жамият манфаатларини устун қўйиш каби ҳислатларга эга бўлиш учун қасамёд қилган эдилар. [8;366] Қоидаларнинг Мактаб идораси ҳайъати таълимия вазифаси, Мактаб шўросининг вазифаси каби бўлимларида маориф тизими раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг вазифалари баён қилинган. Мактабларда қатъий тартиб-интизомга бўйсунуш, дарсларни жадвал асосида ўтиш, ўқув жараёнини уюштириш, мактабнинг моддий-маънавий базасини мустаҳкамлаш, яхши педагог мутахассисларни танлаш каби кенг микёсдаги вазифалар раҳбарият зиммасига юкланди. Мактаб мудирлари мактабни идора қилгонлари учун 25 фоиз ортиқ маош олурлар, ҳафтасинда 12 соат дарс берурлар,-деб ёзилган эди Мактаблар ҳақида умумий қоидалар (Қоидалар)да.[18;10] Қоидаларнинг Мактаб ходимлари учун категориялар бўлимида ўқитувчи мураббийларга маош тўлашда уларнинг малакаси, маълумоти, иш тажрибасига қараб йул тутилиши кабилар аниқ қилиб ёзиб қўйилган.

1921 йил 17 апрелда “Бухоро ахбори” саҳифаларда босилган хабарда “Халқ Нозирлар Шўросининг охириги мажлисида 25 ёшгача бўлган кишиларнинг ўқишга мажбурий эканлиги тўғрисида қарор қабул қилинган. Қарорда ишламасидан қатъи назар, БХСРда барча учун савод чиқариш мажбурий қилиб қўйилган. [14;23] Бухорода бир неча янги тартиб мактаблари очилган эди. Бу мактабларнинг ҳар бирига 40-50 бола келиб ўқир эди. Лекин ҳар куни ҳар тарафдан босқин ва таъқиблар бўлса ҳам бу мактабларга бола келиши камаймади. Вақт ўтиши билан халқнинг фикри бу мактабларга нисбатан ижобий томонга ўзгарди.. Кейинчалик бу мактабларга алоқаси бўлмаган шахслар ҳам моддий ёрдам беришиб, мактаб таъминотини ўз зиммаларига олишди.

Мактаблар ҳақида умумий қоидалар (Қоидалар)да ёзилишича Мактаб болалари учун кийимлар ва текин овқатлантириш тартиби жорий қилинган, маълум микдорда солиқ тўловлардан озод қилинган. Маориф нозирлиги томонидан БХСРда мактаб таълими тўғрисида низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. [12;87] БХСРда мактаб ислохотлари билан мактаб бўлими шуғулланган.

#### **4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири ва XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар ўз иш тартиби, ташкил этилиши ва молиявий-хўжалик таъминоти жиҳатидан ўтган асрлар анъанаси ва даражасини сақлаб қолган эди. Мактаблар халқнинг саводини чиқариш, араб имлосида ўқиб ёзишни, арифметик ҳисобни ўзлаштиришга ўргатувчи маскан сифатида бу даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Мактабларнинг ўқув дастури бошланғич диний таълим, ислом асослари, диний ибодат,

ахлоқий тарбияга йўналтирилган, атроф-муҳит, жамият ҳақида ҳам тушунчалар берган. Аммо, мактабхоналардаги таълим усули, уларнинг моддий-молиявий таъминоти, ўқиш муддатлари, санитария-гигиена шароитлари талабга жавоб бермаслиги, ўқитувчиларнинг билими етарли эмаслиги уларни замон талабларига ҳамоҳанг бўлишига имкон бермади.

Бухорода дастлаб татар болалари учун очилган янги усул мактабларида ўқувчилар тезда савод чиқарганликлари сабабли улар қиска фурсатда оммалашиб шуҳрат қозонди ва маҳаллий аҳолини ўзига жалб этди.

Янги усул мактаблари ўқув курсининг қисқалиги (4 йил), белгиланган дунёвий билим асосларининг ўқитилиши, синф-дарс тизимида фаолият юритиши, мактабнинг молиявий таъминоти, санитария-гигиена ҳолатининг анча яхшилиги, ўқитувчиларнинг салоҳияти, мактабнинг жиҳозланиши билан анъанавий мактаблардан кескин фарқ қилган.

БХСР томонидан мактабларни ислоҳ қилиш масаласи юзасидан қабул қилинган Қоидалар ҳозирги замон руҳи билан ҳамоҳанг эканлиги яққол кўзга ташланади. Айниқса, таълимнинг шакллари, таълим-тарбия усуллари, ҳатто, бир синфдаги ўқувчилар сони кабилар замонавий таълим тизими ва жараёни талаблари билан уйғун келади. ҚоидаларНИ таҳлил қилар эканмиз, унда истиқболда таълим-тарбия тизимида ахлоқий таълим-тарбияга, ўқувчилар маънавий камоллигига алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз.

### Иктибослар/Сноски/References:

1. UzR MDA, fund 47, list 1, case 333, sheet 11.
2. Ainiy S. Old school // Works. Volume VIII.- Tashkent: Literary literature, 1965. Volume IV. - B.140.
3. Ahmadov Olimjon Shodmonovich. Dissertation prepared for obtaining the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Bukhara in the late 19th century - the first quarter of the 20th century. Termiz - 2022. p.126.
4. Bendrikov KE. Essay on the history of national education in Turkestan (1865-1924). - S.260.
5. Bobojonova, B. (2022). IDIOMS AND THEIR IMPORTANCE. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2(6), 573-576.
6. Bobojonova, F. X. (2021). SPIRITUAL MASTERPIECE OF BUKHARA MADRASSA. Scientific progress, 2(1), 362-366..
7. Bobojonova, F. Issues of construction, material security and organization of activities of madrasas in the Emirate of Bukhara. 2020. B-213.
8. Bobojonova, F. Kh. Bukhara madrassas are a masterpiece of spirituality. SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1601 2021. R-362-366.
9. Khayatovna, B. F. (2022). The Issues of Construction of the Bukharan Madrassas, Their Material and Organization of Their Activity. American Journal of Social and Humanitarian Research, 3(4), 1-11.
10. Babadzhanova, F. X. (2022). A LOOK AT THE HISTORY OF MIR-ARAB MADRAS IN BUKHARA. VZGLYAD V PROSHLOE, (SI-1).
11. Dolimov U. Old school // Thinking. - Tashkent, 2010. - №1. - B.66-73.
12. Joraev Hamza Atoevich. Cultural life in the Bukhara People's Soviet Republic and its changes (1920-1924) Dissertation submitted for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in historical sciences. Bukhara - 2023. - B. 130
13. Rajabov Q., Hayitov Sh. Usman Khoja. - Tashkent: Abu Press Consult, 2011. - B.8.
14. Rakhmanov K. Newspapers "Bukhara Akhbori" and "Ozod Bukhara" are a source of history of the Bukhara People's Soviet Republic: the abstract of the dissertation written for the degree of candidate of historical sciences. - Tashkent, 2009.- B. 23.
15. Niazi Rajabzada. The disorder of our elementary schools or the way of progress // Oyina, 1914. - No. 38.
16. Again the issue of school // "Bukhara News", No. 64. January 11, 1922.

17. School education. // "Izvestia" Vesebukharskogo TsIKa and TsK Bukharsky Kompartii. July 18, 1922.
18. General rules regarding schools // Bukhara News, No. 10, November 29, 1920.

# ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000